

Банк тизими

Мижозларнинг
кўнгли тўқ

«Асака» банкининг Фарғона филиали водийдаги нуфузли банклардан бири. Тизимнинг ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида ушбу филиал фаолияти ҳақи равишда танқид қилинган эди. Йиғилишда билдирилган эътироз ва тақлифлар исзис қолмапти. Банкда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда банкда ҳисоб-рақами очган, кичик ва ўрта бизнес билан шўғулланган тадбиркорлар 300дан ошди. Шундан қарийб 180таси фирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, қолганлари яқка тартибдаги тадбиркорлардир. Уларнинг фаолиятлари ҳар томонлама

ўрганиб чиқилиб, сўнгра кредитлар ажратилмоқда. Жами кредитлар миқдори салкам 78 миллион сўмга етди. Яна 20 нафар тадбиркор ишлаб чиқариш учун, 4 киши фермерликни ривожлантириш, 7 киши савдо-сотикни йўлга қўйиш бўйича кредит сўраб ариза беришган. Шунини таъкидлаш кераки, кейинги пайтларда қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш ниятида бизнес-режа тақдим қилаётган тадбиркорлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Банкдан кредит маблағлари сўраганлар сафида шундай тадбиркорлардан икки нафари бор.

Водийда аҳолининг зич яшашини эътиборга олиб, микрокредитлар бериш амалиёти ҳам кенгрок қўлланилмоқда. Масалан, «Элдорбек» деҳқон хўжалигига шу

йил май ойида 3 миллион сўм кредит берилди. Хўжалик асарчиликни ривожлантира бошлади.

Айниқса, банк имтиёзли кредитларни беришга масъулият билан ёндошмоқда. «Носир ота» деҳқон хўжалигига ажратилган имтиёзли кредит чорвачиликни ривожлантиришга асос бўлди. Бу ва шунга ўхшаш мисоллар банкнинг кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашдаги фаолияти муайян йўналишга тушиб, барқарорлашга ётганини кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзиде 10та кичик ва ўрта бизнес субъекти имтиёзли кредитлар олди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам банк жамоасининг диққат марказида турибди. Мисол учун, «Фармуз»

хусусий фирмасига 12 миллион сўм кредит ажратилган. Натижада 20 ишчи ўрни яратилди, деҳқон бозори ташкил этилиб, маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бундан барча харидорлар хурсанд.

Музаффар Ҳакимов, Элбек Отабоев, Гуломназар Зулфқоров каби тадбиркорларга ажратилган кредитлар эса аҳолининг парранда ва мол гўштига бўлган эhtiёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда, шунингдек, банк жамоаси томонидан бир неча тадбиркорларнинг хориж валютасида микрокредитлар олиш тўғрисидаги аризалари ўрганиб чиқилмоқда.

Умуман, банкда миջозлар учун барча қўлайликлар яратилган. Тадбиркорлар бурчигада кредит бериш тўғрисидаги ҳужжатларнинг намуналари, ташаббускор ишбилармонлар фаолиятлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш, консултациялар олиш мумкин. Банк ҳуқуқшунослари кун довоида миջозларга хизмат кўрсатмоқдалар.

Илбс Тўлақов.

ОЧИҚ ТУРДАГИ

ҒАЛЛАОРОЛ «ШАРОБ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

умумий йиғилиши 2001 йил 14 сентябр соат 10.00да бўлиб ўтади.

КҮН ТАРТИБИ:

1. ОТХЖнинг 2000 йилдаги фаолияти якуни бўйича ҳисобот.
2. ОТХЖнинг 2000 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
3. Дивиденд миқдорини тасдиқлаш.
4. Кенгаш аъзоларини сайлаш.
5. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
6. Бошқа масалалар.

4763

«Меҳди-Зода»

Ўзбекистон-Эрон
қўнғили қорхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини
Истиқлолнинг 10 йиллик
шодиёнаси билан чин дилдан
муборакбод этади.

Барангизга тинчлик, омонлик,
бахт-саодат ҳалроҳ бўлишига,
Ўзбекистоннинг янада
гуллаб-яминашига тилакдошимиз.



4741



«ЎЗДОНМАХСУЛОТ»

давлат акциядорлик корпорацияси

Мамлакатимиз ғаллакорлари,
ўз акциядорлари ва бутун Ўзбекистон халқини
Мустақиллик байрамининг 10 йиллиги
билан самимий табриклайди.
Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат
ва дастурхонига барака тилайди.

Азиз ҳамюртлар!

Тарих учун қисқа муддат ҳисобланган 10 йилда Ватанимизда ниҳоятда катта ишлар амалга оширилди. Улкан саноат корхоналари қурилганлиги, иқтисодиёт, ижтимоий, аграр, фан, таълим ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Шу жумладан, биз фаолият юритаётган тизимда ҳам катта ишлар қилинди.

Жамоамиз аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашдек шарафли вазифани бажариб келаётганидан фахрланади.

Ҳурматли азизлар! Осмонимиз ҳамisha мусаффо, юртимиз тинч, мамлакатимиз обод бўлсин.

10
ЙИЛ

Китоб савдоси

Адабиётгина қалб чанқоғини қондиради

Балиқчи тумани марказидаги китоб дўкони мудирини Оминахон Сатимованинг фикри ана шундай

Йўлга отланаётган эдим, набирам бўйнимга осилганича буюртма берди: «Менга эрта китоб обекласиз». Унга укаси ҳам қўшилди: «Менгаям шеър китоб обериңг».

Болакайларга ваъдаларни беришга берибману аслида бир дунё ташвишни бўйнимга илиб олганимни сезмабман. Китоб дўконларининг кўпи хусусийлашиб кетгани учун инсофи бор савдогарлар ўша дўконнинг бир бурчигини китоб, қалам-дафтарга ажратибди. Пул кетидан куванганлари эса билимлар хазинасини маданий моллар ёки озик-овқат дўконларига айлантириб ташлабди. Биз Андижон туманидаги Хартум қишлоқ матлубот жамияти, Шахрихон шаҳри, Избоскан туманларида бўлганимизда ана шундай манзаранинг гувоҳи бўлдик.

Балиқчидаги китоб дўкони қалб губорини ёзгандай бўлди. Бу ерда мумтоз адабиётларга, шарқ ва ғарб ёзувчиларининг нодир асарлари, шеърят гушанига дадил қилиб келатган ёш қаламкашларнинг илк китоблари тахмага кўзимиз тушди. Мудира Оминахон Сатимованинг жонсараклигини айтиш. Дўконга кирган ҳар бир харидор атрофида парвона у.

— Бошқа ердагиларни билмадим, аммо бизда ҳамма китоб ўқийди, — тилидаги гаплар дилига кўчади опанинг. — Ахир қалб чанқоғини адабиётдан бошқа яна нима қондириши мумкин.

Биз виллоят «Матлуботсавдо» ҳамда «Китобсавдо» ҳисдорлик жамиятлари билан мустақкам алоқа ўрнатганмиз. Китобхонларнинг талаб-истаклари бўйича ўша ташкилотларга буюртма беримиз. Улар биз истаган адабиётларни сотиб бериш шартин билан дўконимизга келтиришади. Ўтган йили биргина «Китобсавдо» ҳисдорлик жамияти шартнома асосида икки миллион сўмлик адабиёт билан таъминлади. Бу йил беш миллионга шартнома имзоланганмиз.

Чинободдаги Робияхон Воҳидова бошқараётган китоб дўкони ўтган-кетганининг эътиборини ўзига тортади.

Бу ерда ранг-баранг адабиётлар билан бирга «Мактаб бозори» ҳам ташкил этилди.

— Болалар, уларнинг ота-оналари шошиб қолмаслиги учун шундай йўл тутдик, — изоҳлайди Робияхон опа. — Мана, кўриб турибсизлар савдо авжиди. Харидор ўзига керак бўлган ҳамма нарсани шу ердан топади — илгаригидай шаҳарга қатнамайди.

Энди икки оғиз сўз шу куннинг долзарб масалаларидан бири, ўқувчи ёшларни дарсликлар билан таъминлаш хусусида. Виллоятда янги ўқув йили учун дарсликлар келтиришга киришилганига анча бўлди. «Матлуботсавдо»чилар «Ўқитувчи» нашриёти билан беш миллион, «Ўздавкитобсавдо» билан ҳам беш миллион, «Ўзбекқоғоз» билан саккиз миллион сўмлик шартнома тузди. Икки миллион сўмликдан ортқ китоб савдо шохобчаларига тарқатилди.

Китоб савдосини ташкил этишда «Китобсавдо»чилар ҳозирча пешқадамлик қилаётир. Бу ташкилот 36 миллион сўмлик китоб келтирди. Шунга ҳам алоҳида қайд этиш жонки, бу борда ҳомий ташкилотлар ҳам чинакам болажонлик намунасини кўрсатмоқдалар. Ўтган йили улар томонидан 18 миллион сўмлик турли номдаги адабиёт, дарслик ва бошқа ўқув қуроллари олиб берилган эди. Бу йил ана шу анъана яна давом этади.

Бизга хабар қилишларича, Андижон шаҳрининг олтига худудиди ҳамда виллоятнинг 44 та бурчагида «Мактаб бозори» ташкил этилди. Айна дамда шу йилдан бошлаб болалар ҳамда уларнинг ота-оналарига қулайлик яратиш мақсадида мактаб кутубхоналарининг ўзиди дарсликлар савдоси йўлга қўйилди. Виллоятдаги 502 та мактабга ўқув қўлланмалари келтириб бўлинди.

Уйга кирар-кирмасимдан неваралар пeshовз чиқийди.

— Китоб обеклдингизми, катта дада? — Бўлмасам-чи, мана олинглар. Китоблар қўлма-қўл бўлиб кетди. Болакайлар шоғлигиға гўё олам торлик қилгандай.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Олтиариқдаги «Қизилтепа» сўхатқоғини мамлакатимиздаги аксарият меҳнат ва уруш фахрийлари, ноғиронлар, боқувчисини йўқотганлар яхши билинади. Асосан ошқозон-ичак касалликларини даволашга ихтисослашган масканда ҳар йили беш мингдан зиёд ота-он-онахонлар шифобахш маъданли сувни истеъмол қилиб, соғлиқларини тиклаб қайтишади.

Сўхатқоғ фаолият кўрсатаётганига 20 йилдан ошди. Лекин ҳозирча даволаувчилар шифобахш сувни биттагина, омонат қилиб ўрнатилган жўмаракдан ичишади. Дунёга машҳур сўхатқоғларда эса би-

Истиқлол тухфалари

Фахрийларга қулайлик

ричи навбатда сувни тақсимлайдиган, ичадиган чиройли, шинам галареларга қурилади. Истиқлолимиз байрами арафасида сўхатқоғда қўш тантана нишонланди. Энди даволаш маскани шифохонанинг асосчиларидан бири, узоқ йиллар бош ҳақимлик қилган Зафаржон Мингалев номи билан аталдиган бўлди. Шу билан бирга бу ерда ҳамма қулайликларга эга бўлган, дунёдаги машҳур сўхатқоғларникидан қолишмайдиган галарей фой-

даланишга топширилди. Шарқ ёғоч ўймакорлиги, нақшошлигининг энг яхши намуналари Евростандарт талаблари билан уйғунлаштириб юборилган бинодан кўзлар қувонади. Ташқи деворларга мрамар тўн қадалган, бинонинг ичкараси эса чиннидай оппоқ, бир йўла ундан зиёд даволаувчи бемалол шифобахш сувни истеъмол қилиш учун барча имкониятлар маъжуд. Чиройли маъжмуани бунёд этишга сарфланган 13 миллион

сўмнинг ярмини бош пудратчи «Дехқон ота» хусусий фирмаси эҳсон сифатида тортиқ қилди.

— Мамлакатимиз, хориздаги қўллаб сўхатқоғларда даволашманман, — дейди Хоразм виллоятдан ташриф буюрган Халима опа Абдуллаева. — Мана учинчи йилдики, Олтиариққа келаман. Сувнинг таърифи йўқ, шифокор-у, ҳамширалар эса бири-биридан ширинсуз, эътиборли.

Ҳозир сўхатқоғда Шоҳсанамхон Мамаришова етакчилик қилапти. Тиниб-тинчимас ёш шифокор отасининг орзуларини амалга оширапти.

Набижон СОБИР, «Жалқ сўзи» мухбири.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, С. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодийёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 133-07-48;
Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва жалқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва жалқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2715, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахрират компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Набатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Набатчи — Ҳ. КАРИМОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

1 — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 22.20. 1 2 3 4 5 6

100 сўмга «Нексия»!

Ҳа, ишонаверинг. Гиждудонлик Раҳматилла Кўлдоров олган «Нексия» унга... 100 сўмга тушди. Уч фарзондинг отаси бўлган бу йигит ютук учун «Эколот» лотереясида миннатдор. Энди Адок қишлоғида яшовчиларнинг каттаю кичиги «Эколот» муқсисларига айлиниши табиий.

М. ХОЛМАТОВА.

Мафтункор кўчалар

«Андижонавтойўл» давлат корпорацияси тизимиди йўл-қурилиш бошқармаси мутахассис ва ишчилари Андижон-Фарғона автотрассасининг Асаха худудидан ўтган магистрал йўлида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Ўнлаб километр масофага чўзилган йўл кенгайтирилиб, пйёдалар йўлқалари очилди. Йўл четларида гулзорлар барпо этилди.

Дарвоқе, «Тико», «Дамос», «Нексия», «Матиз»лар дунёга келадиган гўшанинг йўллари янада раван бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат 1-тиббейт институтининг маъмурияти 2001 йил 6 октябр кунин даволаш ва педатрия факультетларини 1961 йилда туғатганларининг 40 йиллик учрашуви бўлиб ўтишини маълум қилади. Буюртма-хабарномалар почта орқали Искандар Рафиқович Раҳмонова қўйидаги манзилга юборилиши лозим: 700096, Тошкент-96, Муқимий кўчаси, 150-уй, 30-хонадон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ

2001 йилнинг 4 сентябридан бошлаб қуйидаги БЎШ ЎРИНЛАРГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН

- Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш Бош бошқармаси шартномалар экспертизаси Бошқармаси саноат махсулотларини келтириш шартномаларини экспертиза қилиш бўлимининг етакчи мутахассиси;
Стратегик ва маркетинг тадқиқотлари Бош бошқармаси маркетинг тадқиқотлари Бошқармаси етакчи мутахассиси;
Инвестицион лойиҳалар иқтисодий экспертизаси Бошқармаси хоризжий инвестицияларни жалб этишининг ахборот таъминлови бўлимининг етакчи мутахассиси;
Юридик бошқарманинг етакчи мутахассиси;
Капитал қурилиш бошқармасининг етакчи мутахассиси.



Танлов шартлари: магистр унвони борлиги, ташқи иқтисодий фаолиятга доир билимга эгаллиги, чет тиллардан бирини ва компьютерни мукамал билиши, 23-30 ёш. Аризалар 2001 йилнинг 20 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг кадрлар бошқармасига топширилиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефонлар: 138-50-70, 138-50-58.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига қарашли пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича ҳўжалик ҳисобидида республика бошқармасининг

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

2001 йилда қурилиши мўлжалланган қуйидаги иншоотларга танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

1. Наманган виллоят ҳўкмиллиги биносини қайта таъмирлаш.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари танловда қатнашишга таклиф қилинади. Буюртмачи: виллоят капитал қурилиш бошқармаси. Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Пудрат ташкилотлари етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий аҳволи, муқобиллиги ва бошқа моддий имкониятларга, ишончлилик, таъриба, оёрули мавқега, шартнома тузишга, фуқаролик ҳўқуқий лаёқатига ва ваколатларига эга бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва тендер ҳўжжатларига эга бўлиш учун сўров билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган виллоят филиалига эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қуйидаги манзилга: Наманган ш., А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи), 4-қават, иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиши мумкин. Телефон/факс (8-36922) 6-14-50. Савдолар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади. Тендер ҳўжжатлари нагешиниш нархи 15000 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ. ЯНГИ МАДСУМНИ ОЧАДИ. 2001 йил 4 сентябр соат 18.00. Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон жалқ шоири. АБДУЛЛА ОРИПОВ АСАРИ. «СОҲИБҚИРО» Саҳналаштирувчи режиссер. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов. Манзил: Хадра майдони, Навоий кўчаси, 34.

«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ» ИИЧМ. КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт» бизнес-мажмуи, Ғарбий томон, 2-йўлак, Офис 29, 30. Тел.: 137-72-91, 137-72-92. E-mail: tst@tstech.uz. Катта имкониятлар — яхши нархлар!

«ТС-ТЕХНОЛОГИЯ» ИИЧМ. КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт» бизнес-мажмуи, Ғарбий томон, 2-йўлак, Офис 29, 30. Тел.: 137-72-91, 137-72-92. E-mail: tst@tstech.uz.



ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ. ҚУЙИДАГИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ БЎЙИЧА. ТЕНДЕР. ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. • БАЛКА № 18дан № 40гача БНҚ; • ШВЕЛЕР № 10дан № 80гача; • УГОЛОК 100 мм. X 100 мм. Бир ўнчадан; • ПЎЛАТ ЛИСТ 2 миллиметрдан 80 миллиметргача. Таклиф этиладиган махсулотлар сертификатлаштирилган бўлиши керак. Маълумот олиш ва таклифлар учун телефонлар: 55-95-59, 55-65-91. Таклифлар 2001 йил 30 сентябргача қабул қилинади.

«Жалқ сўзи» газетаси тахриратия жамоаси газетанинг Жиззах виллоят бўйича ўз мухбири Баҳриддин Сатторовга волидан муҳтарамаси. Ойчўчук ЙЎЛДОШЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик билдиради. Ўзбекистон хоризжий мамлакатлар билан дўстлик ва маланий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши жамоаси бўлим бошлиғи Маннон Алимовга синглиси МАЪМУРАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади. Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг декани, техника фанлари номзоди, доцент Холида Комиловага турмуш ўртоғи Тухтасин МЎМИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.